

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ”
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**



**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ: МАҚСАД,
ТАМОЙИЛЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

мавзусидаги
Республика илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ
2022 йил 30 март

Тошкент

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: мақсад, тамойиллар ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: ТДИУ, 2022. - 438 б.

Ушбу тўплам “Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: мақсад, тамойиллар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида бўлиб, унда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини ошириш муаммолари, рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириш ва рақамли инфратузилмани янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибдорлигини ошириш муаммолари, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш даражасини ошириш каби илмий тадқиқот ишлари ва илмий қарашлари акс эттирилган материалларнинг баёни келтирилган.

Тўпламга олий ўқув юртларида иқтисодий муаммолар бўйича илмий изланишлар олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, докторантлар, тадқиқотчилар, вазирлик, қўмита ва турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассислари, магистрларнинг илмий изланишлари натижалари киритилган.

Тўламда келтирилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва келтирилган ҳуқуқий-меъорий ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги, танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. М.Б.Калонов

Таҳрир ҳайъати: и.ф.д., проф. А.М.Кадыров

и.ф.д., проф. А.С.Усмонов

и.ф.д. Х.Х.Мамадалиева

и.ф.н. доц. Ш.Х.Сатторов

Тақризчилар:

и.ф.д., проф. Н.М.Махмудов,

и.ф.д., проф. К.Р.Ҳотамов

© “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ, 2022 йил.

МУНДАРИЖА

1-СЕКЦИЯ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДА САНОАТ УЛУШИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Усманов А.С.	Экономический рост и устойчивое развитие национальной экономики.....	9
Ахроров З.О.	Фойдани солиққа тортишни ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари.....	12
Бегматова Ш.А.	Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантириш омиллари.....	15
Халикчаева С.И.	Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда қўшилган қиймат солиғи базасини аниқлаш тартиби ва унга таъсир этувчи омиллар масалалари.....	19
Мурбабаева Р.Т.	Ўзбекистонда валюта операцияларини такомиллаштириш йўналишлари.....	22
Абдуқаххорова С.А.	Тижорат банкларида конвертация операциясини жорий қилиниши тарихи.....	26
Камилова С.М.	Тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширишдаги муаммолар.....	29
Эрназаров Н.Э.	Иқтисодиётни барқарорлигини таъминлашда акцизоти товарларни солиққа тортишнинг концептуал асослари.....	33
Суннатуллаев Э.Ш.	Анализ уровня концентрации банковского сектора Республики Узбекистан.....	36
Kalonov M.B., Hakimov F.Kh. Махкамов Н.Т.	Procedure for forming financial statements on the basis of international standards..... Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган сифат менежменти усулларини ишлаб чиқаришда қўллаш орқали миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш механизмлари.....	40 42
Усмонов П.Ш.	Маҳаллий бюджет даромадини бевосита солиқлар орқали тўлиқлигини таъминлашни бошқариш имкониятлари.....	45
Алиева Н.А.	Пиллачилик кластерларини инновацион ёндашувлар асосида бошқариш.....	48
Ахмедова А.Т.	Влияние деловой активности на финансовые результаты предприятия.....	51
Намазов Г.Ш.	Сурхондарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эконометрик моделлаштириш.....	53
Топилдиев С.Р.	Ўзбекистон аграр соҳасини ривожлантиришда янги иқтисодий сиёсатнинг ўрни.....	57
Шомуродов Р.Т.	Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда монетар сиёсатни такомиллаштириш масалалари.....	60
Aysachev A.A.	Milliy iqtisodiyotda qishloq xo'jaligi tarqmog'ining rivojlanishini statistik jihatdan o'rganish.....	64
Халимов Ж.Ш.	Минтақа иқтисодий салоҳияти ва саноатини ялпи тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий жиҳатлари.....	67
Искандаров Б.А.	Қурилиш саноати бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва уларни бошқаришнинг илмий - назарий асослари.....	69
Сиддиқов З.Т., Алиева Н.А., Давронбекова Х.Д.	Пиллачилик тармоғининг рақобатбардошлигини оширишда инновацион бошқарув.....	72

Фойдани солиққа тортишни ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари

Ахроров Зариф Орипович –
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтини таянч докторанти*

Фойда солиғи турли даражадаги бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг доимий амал қилиб келувчи асосий ва муҳим манбаси сифатида хизмат қилиб келмоқда. У яратилган даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, фойда солиғига бошқа солиқ турлари каби эътиборсизлик билан қаралмаган.

Бизнингча, солиқларнинг, шу жумладан, фойда солиғини инновацион ривожланаётган мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ЯИМ қайта тақсимлашдаги иштироки, яъни давлатнинг умумижтимоий харажатлари ҳажми билан баҳоланади. Дарҳақиқат, фойда ва ундан ундириладиган солиқлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган.

Фойда солиғи ва унинг моҳиятини ўрганишда унга нафақат даврлар нуқтаи-назаридан, балки ҳуқуқий жиҳатдан баҳо бериш лозим. Фойдани солиқ объекти сифатида шакллантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда кўплаб муаммолар кўтарилган ва ўрганилган бўлсада, классик иқтисод мактаб вакиллари (А.Смит, Д.Рикардо) иқтисодий ғояларида ҳам, сўнгги иқтисодий мактаб вакиллари (Ж.Кейнс, А.Маршалл) иқтисодий ғояларида ҳам фойда, уни ташкил этиш ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш ва тартибга солиш борасидаги ғоялар учрамайди. Бироқ қадимги даврлардан эътиборан фойда солиғи солиқлар воситасида тартибга солиш механизми муайян даражада мавжуд бўлмаган. “Фойда” атамаси ўрнида “даромад” атамаси алоҳида аҳамият касб этган. Унга кўра, уни амалга ошириш катта қийинчилик ҳам келтириб чиқармаган. Шу ўринда фойда солиғи уни тўловлар тартибини ҳуқуқий жиҳатдан асослаш ўз навбатида бу солиқ турини солиқ тизимидаги ва бюджет даромадларини ташкил этишдаги ролига ойдинлик киритади.

Фойда солиғининг ҳуқуқий асосини яратишда фойдани қўлга киритиш қандай ҳолатларни юзага келтиришни четлаб ўтмаслик лозим. Ҳозирда ҳатто ишлаб чиқариш корхоналари томонидан юзага келтириб чиқараётган ҳолатлар ва улар таъсирида йўқотишлар корхона оладиган фойдадан ҳам юқоридир.

Фойда турли иқтисодий тармоқлардаги молиявий ресурсларни тақсимлаш функциясини бажариб, ишлаб чиқаришнинг энг прогрессив кўп мулкчиликка мослашган тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Фан-техника тараққиётини таъминловчи тармоқлар бозор иқтисодиёти муносабатларининг шакллантирилиши даврида

эндигина тикланиш босқичида турган бўлса ҳам, фойда такрор ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ўсиб бориши учун зарур миқдорда пул маблағларини ажратиб бериш имкониятларини яратиш орқали ўз моҳиятини намоёйиш этмоқда.

Чунки унинг моҳияти пул маблағларини давлат бюджети орқали халқ хўжаликлар тармоқлари ўртасида қайта тақсимлаш, уни юзага келтирувчи хўжалик субъектларида турли махсус ва умумхўжалик жамғармаларини ташкил этишда ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган халқ истеъмол товарларини, техникавий маҳсулотларни тинимсиз ишлаб чиқараётган корхоналарни такомиллаштиришда турли иш ва хизматларининг сифатли амалга оширувчи хўжалик субъектларини ҳам зарур молиявий манбаларни вужудга келтириш орқали уларни таъминлашида намаён бўлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий солиқ тизимида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи қабул қилинди ва у бевосита солиқлар таркибига киритилди. Бу солиқ тури корхоналар молиявий фаолиятига бевосита таъсир қила бошлади. Давлат бюджетини тўлдириши йўналишидан келиб чиқиб, ушбу солиқ тури умумбелгиланган солиқлар қаторига киритилди. Шу тариқа юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи сифатида эътироф этила бошланди. Шунингдек, у корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Сўнгги йилларга назар ташлайдиган бўлсак, 2013-2017 йилларда фойда солиғи миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса, унда унинг бюджет даромадлари таркибидаги улушини камайиш тенденцияси юз берди (1-расм).

Жумладан, 2017 йилда фойда солиғи миқдори 1475,5 млрд. сўмни ташкил этган, бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 436,7 (1475,5-1038,8) млрд.сўмга, яъни 1,42 баробарга кўпайган эди. Буни солиқ солинадиган базанинг кенгайиши билан изоҳлаш мумкин. Бюджет даромадлари таркибида фойда солиғининг улуши 2017 йилда 2,9 фоизни ташкил этиб 2013 йилга нисбатан 1,1 фоизга камайган. Бу ҳолатни фойда солиғи ставкасининг йилдан-йилга пасайтирилиши билан изоҳлаш мумкин.

1-расмда келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, фойда солиғи бюджет даромадларига нисбатан энг катта кўрсаткичи 2019 йилда қайд этилди, яъни 14,6 % (ёки 16360,6 млрд. сўмни ташкил этди).

Корхоналар фойда солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга оширадilar. Айрим тармоқлар юридик шахслари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари мумкин.



1-расм. Фойда солиғи миқдори ва унинг даромадлари таркибидаги улуши динамикаси²

Фойдани солиққа тортишда инновацион ёндошув, уни такомиллаштириш стратегияси молиявий механизмини тартибга солишни таъминлаши зарур. Ушбу орқали корхоналар фойдасини солиққа тортиш элементларини, яъни солиқ ставкаси, солиқ базаси, солиқ имтиёзи, солиқ тўлаш муддатлари кабилар ўртасида узвий боғлиқликни оптимал чегараларда сақланишига имкониятлар яратилади.

Фойда солиқ тўловчи корхоналарда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадал ва самарали ривожланиши давлат томонидан фаол солиқ сиёсати юритиши мақсадга мувофиқ. Солиқ сиёсатидаги фойдани солиққа тортишда тўсиқ бўлувчи салбий омилларни таҳлил қилиш, қўлланиб келинаётган фойда солиқ имтиёзларини самара келтириш мумкинлигига баҳо бериш, солиқ базасини тартибга келтириш орқали ҳар бир корхона инвестиция оқимиغا, инновацион маҳсулотлар ҳажмининг ошишига, импорт товарлар ўрнини босувчи ва экспортга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини оширишга, мос келадиган солиқ элементларини тартиблаштирувчи механизмини ишлаб чиқиш барқарор босқичга кўтарилиши учун имконият яратилади.

² www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти маълумотлари